

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИКИШИ | № 85 (4544). | 29 апрель, 1972 йил, | ШАНБА | Баҳоси 2 тийин

ОБЛАСТЬ САНОАТЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб ва СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини ҳамда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунини — 1 Май байрамини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, шу йилнинг 15—16 апрелида бўлиб ўтган коммунистик шанбаликда фаол иштирок этиб, маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг

қўлчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича тўрт ойлик плани муддатидан илгари — 28 апрелга бажардилар. Прокат ишлаб чиқариш, кўмир қазини, цемент, дераза ойнаси, трактор, сейалари ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш планлари тўла ва ошириб адо этилди. Область саноатчилари ой охиригача пландагидан ташқари яна ўнлашча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун курашини авж олдириб юбордилар.

МЕХНАТ ШУҲРАТИ КИТОБИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитети ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:

Тўққизинчи беш йиллик биринчи йилда олинган социалистик мажбуриятларини бажаришда иш яхши кўрсаткичларга эришганликлари учун, меҳнатда ташаббус ва юксак ўрнани кўрсатганликлари учун куйидагилар Ўзбекистон ССР Меҳнат шўхрати китобига эълани. Шу жумладан Тошкент шаҳри ва Тошкент область бўйича:

КОЛЛЕКТИВЛАР

(Буларга дипломлар берилади)
В. И. Ленин номи Ўзбекистон металлургия заводи;
Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени Чирчиқ электр химия комбинати;
Тошкентдаги В. П. Чкалов номи авиация заводи;
«Ўзбекхиммаш» заводи;
СССР Рангли металлургия министрлигининг Ингичка руда бошқармаси;
Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Қизил тоғ» тикувчилик фирмаси;
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ўзбекшахтасрой» трести;
«Главташкентспро» и.и.и.г. Тошкентдаги 1-уйсалолик комбинати;
Тошкент областидаги Қўйлиқ мотор ремонт заводи;
Ишлаб чиқариш ИҲОРЛАРИ, ФАН ВА МАДАНИЙ АРБОБЛАРИ
(Буларга шахадатномалар берилади)

Охунова Турсуноӣ — Тошкент область Янгйўл районидан С. М. Киров номи колхозининг бригада бошлиғи. Социалистик Меҳнат Қармоғи, СССР Олий Совети депутаты, Ленин мувофоти лауреати.
Бобоев Ботир Давронвич — Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги харбий комиссари, Совет Иттифоқи Қармоғи;
Гулов Аббос — Сергилана булимаси кема командири;
Губина Евгения Александровна — Тошкент Тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси;
Гончаров Федор Иванович — Ўрта Осн темир йўли Тошкент пассажир станциясининг навбатчиси;
Девятова Альбина Александровна — Тошкентдаги В. П. Чкалов номи авиация заводи фрезерчиси;
Жўраева Булома — Тошкент Тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қармоғи;
Зоҳидов Насрулла — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наирейтининг стереотипчиси;
Зоҳидов Теша — В. И. Ленин номи Тошкент Давлат унв. верситетининг илфдорасининг мудир, Ўзбекистон ССР Файлар академиясининг академиги;
Иброҳимов Аҳмад — Чирчиқ Электрохимия комбинатининг катта аппаратчиси;
Қурбонов Таслим — Тошкент шаҳар иккунчи комитети ички ишлар бошқармаси милиция 1-йўл назоратининг инспектори;
Казанцева Людмила Павловна — Тошкент Тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси;
Муҳитдинова Маҳбуба — Тошкент область Янгйўл районидан 14-ўрта мактабнинг ўқитувчиси;
Маҳаматов Бўрибой — «Главташкентстрой» 159-курлиш трестининг гишт терувчиси;
Нуриддинов Саид — СССР Қора металлургия министрлиги қарашли В. И. Ленин номи Ўзбекистон металлургия заводининг мастери, Социалистик Меҳнат Қармоғи;
Пидеев Расул — Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли Тошкент ГИЭСлари каскадининг турбина машинчиси;
Ражабов Юнус — композитор, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиотелерадиотехника давлат комитети мақомчилар ансамблининг раҳбари;
Саркисов Аюп Абрамович — СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳузуридаги ирригация ва совхозлар қурилиш Ўрта Осн бот бошқармасининг Соиб бошлиғи (мархум);
Салимов Хусан Каримович — эриш қийин ва ўтга чидамли металлургия Ўзбекистон комбинатининг тикловчи аппаратчиси;
Сафилулин Харис Аҳмадуллаевич — «Ташкентнабель» заводининг броньловчиси;
Издодиев Эшмурод — СССР Транспорти қурилиш министрлиги «Средташкентстрой» трести қурилиш бошқармаси гишт терувчилар бригадасининг бошлиғи;

ЧИГИТНИ ТЎЛА ВА БЕХАТО УНДИРИБ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Қиш серёғи ва совуқ келди. Кўкларм чўзилиб кетди. Табиийки, экин экин ишлари мўлажалдагидек бирмунча кеч бошланди. Яхши ҳамки деҳқонларимизда хилма-хил кучли техника бор. Ана шуларнинг ёрдамида об-ҳаво тўғайли кечиктиришнинг ўрни қоплатиб кетди. Дала ишларини режалли олиб бораган тадбирли деҳқонлар асосий майдонларга чигитни қисқа муддатда сифатли экиб олдилар.

Чигит экиб тугалланган ва айрим далаalarda битта-иккита чигит унабошлаган дастлабки кунларда ҳаво яна совуқ кучли ёмириб ётди. Кўп жойларда қаторларни қатқалоқ босди. Яъни деҳқонларнинг иши яна мураккаблашди. Орадан кўп ўтмай ҳавонинг тафти яна қизиб, туپроқнинг бағридаги намлик тез буглана бошлади.

Чигит вақтида экиб олингани билан агар у барвақт, беҳато ундириб олинмаса экиннинг эрта-туғалланганлиги яхши натижа бермаслиги мумкин. Бу йилги об-ҳаво шароити ана шундай келмоқда.

МАҲМУД ИСМАТОВ, ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИНИНГ РАЙСИ, РЕСПУБЛИКАДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПАХТАКОР

кераклигини маслаҳат берган эдик. Ўзимиз ҳам чигитни худди шундай қилиб экиган эдик. Чигит экиш даврида ердаги нам жуда кўнглидагидек эди. Биз яхши димлаб экилган «Тошкент» нав чигити ерга тушиши билан тез илдиш қадайдилар ва бакуват бўлиб унади, деган фикрда эдик, албатта. Айрим даладаримизда худди шундай бўлмоқда.

Аммо чигит уч-тўрт сантиметр чуқурликка тушган жойларда нам кўтарилиб, туپроқ, қуриб қолганлиги сабабли яхши натижа динланган чигит илдиш қадайдилар ҳаракат қилган бўлса ҳам, лекин мураккаб илдиш нам туپроққа эмас, қуруқ туپроққа тўғри қилаётди. Яъни унинг намдан таъминлангани етарли бўлмай, ана шу мураккаб илдининг ривожланиши учун шароит етарли бўлмай турибди.

Тўғри, кунин кеча ёмириб ўтиди. Лекин унинг нами туپроққа мўлажалдагидек сингмади. Бизнингча, ёмирдан кейин ҳам қатор тапплаб сугоришни давом эттириверши керак. Айрим даладарда, яъни чигит охирги кунларда экилган пайкаларда ҳам аҳвол шундай. Ундай жойларда чигит ҳали унаётгани йўқ, унинг учун нам етарли эмас. Ерга қандай тушган бўлса, шундайлигича турибди.

Биз бу аҳволни чигит экиш тугалланган арафасида колхозимиздаги агротехника Советининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилган эдик. Советга тақрирлар бериб, биз зевно бошлиқлари ҳам тақрирлар бердик. Бизнингча, зевно ва участка бошлиқларидан қайси пайкада чигитнинг униси қандай аҳволдалигини бериб-бир сўраб чиқдик. Ҳамма бир оғиздан чигитнинг униси яхши эмаслигини, дарҳол даладарда чигит суви бериш зарурлигини айтиди. Чунки чигитнинг униси учун иссиқлик кераклиги ортаққа бўлса ҳам, намлик кам эди. Бунинг устига чигит экиш даврида бири-бири қаторларга минерал ўғит ҳам солиб кетилган эди. Агар намлик етарли бўлмаса, минерал ўғитнинг эриши ва илдишларга синиши кўнглидагидек бўлмайди.

Деҳқонлар шунинг ҳам яхши биладиларини, ғўза илдиш ўсим чикса, унинг кейинги ривож ҳам яхши бўлмайди. Тез-тез насалликка чалиниб қолиши мумкин. Биз деҳқонлар

агар ғўзанинг илдиш тўла бўлса, ўсим ҳам, ривожланиши ҳам, ҳосил олиши ҳам айтилгандай бўлади деб гапирганимиз. Бордию, қандай бўлса ҳам чигитни сув бермай ундириб оламиз деган муҳокамага бораган жойларда бизнинг фикримизга юзлаб қўйилди. Бунинг сабаби, ҳўп, чигит униб чиқди дейлик, ёш ғўза учун ҳам маълум миқдорда намлик керак. Сув қўймай чигити ундириб олинган жойларда кейинчалик нам етарли бўлмаса, қуруқ култивация қилиш вақтида ёш ғўзаларнинг шикастланиши мумкин. Шу билан бирга бундан кейин ҳаво яна исб кетадиган бўлса, ғўзани тулга киргунча сугориш мумкин бўлмай қолиб, унинг ўсимини, баргларининг ривожланиши мўлажалдагидан анча кечикади.

Мен яна шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, агар ер тўғрилиги бизнинг даладар сингари оқтириб бўлса ана шундай жойларда дарҳол чигит суви бериш зарур. Акс ҳолда вақт ўтиб кетиб, қўшимча қўйишчиликлар туғилдики, кейинги пўшаймоннинг фойдаси бўлмай қолади.

Колхоз правлениеси, партия ташкилоти чигитни тўла ундириб олиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилади. Агар бригада ёки зевно ўз майдонидан чигитни 2 майгача тўла ундириб бўлса, қўймай қўйиб байроқ ва қиммат баҳо мукофот берилади. Бордию, ҳамма бригада ва зевнолар ҳам майдонлардаги чигитни шу муддатга беҳато, тўла ундириб олсалар, гектарларнинг тўла бўлишини еришсалар, уларнинг ҳар бирига қўшимча қимматбаҳо мукофот, энг илгорида мукофот ҳамда қўймай Қизил байроқ беришга қарор қилинди.

Сугоришни яхши ташкил этиш ва сувчиларга қўлай шароит яратиш бериш, уларни моддий рағбатлантириш мақсадида ўн кун давомида яхши ҳар кун бир ярим гектардан ериг эгат ташлаб сифатли сугорган сувига 20 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Колхозда етди кишидан иборат махсус комиссия тузилди. Улар сугоришни, чигитнинг униси қандайлигини, гектарнинг тўла бўлиши учун қайси бригада ва зевнода қандай иш олиб борилаётганини кузатадилар. Ана шу текшириш ишлари 3 майда якунланади. Бордию, қайси бригада ва участкада даладарнинг чети қўриб кетган, қуришларга чигит экилмаганлиги аниқланиб, умуман тўла тектар учун зарур бўлган ишлар яхши амалга оширилмаган бўлса, ўша участка ёки бригада бошлиғининг меҳнат ҳақи қисман қириқилади.



да бошлиғининг меҳнат ҳақи қисман қириқилади.

Ўрта Чирчиқ районидан «Полярная звезда» колхозининг райси, икки марта Социалистик Меҳнат Қармоғи Ким Пен Хваннинг матбуотда эълон қилинган мақолаи бизни жуда қувонтирди. Ўртоқ Ким Пен Хваннинг бу мақоласини ўқиб чиқдик ва тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил этиширини, СССРнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш тадбирларини белгилдик.

Бизнинг колхоз пахтачилари билан бирга пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик билан ҳам шуғуллалади.

Чорвачилик озуқаси экинлари ҳам намгарчилик кам бўлганлиги сабабли гурираб ўсмаётди. Демак, асосий эътиборни фақат пахтачиларга қаратмай, пиллачилик, чорвачилик ишларини ҳам бир-бирига боғлаб олиб боришга тўғри келади.

Биз Ўзбекистон деҳқонлари табиат синовларидан ҳамма вақт муваффақиятли ўтганмиз. Чунки бизга Коммунистик партия, иккунчи Совет ҳўкумати ҳамма раҳнамо, Бу йил ҳам ана шу ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашга суялган ҳолда астойдил меҳнат қилмаиз, барча даладарда чигитни тўла ундириб олиб, гектарларда кўчатларнинг белгиланган қалинлида бўлишини таъминлаймиз. Ҳосилдорлик ўтган йилдагидан юқори бўлса бўладики, нам бўлмайди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА РЕСПУБЛИКАДА „МИНГЛАР ШАРТНОМАСИ“ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мамуният билан шунинг қайд қилиниги, Ивано-тўқимачилигини пахтакорларга, пахта тозалаш заводларининг ходимлари, олимлар, конструкторлар ва машинасозларга йўллаган мактубига жавобан республикада бир-бирига яқин корхоналар ўртасида «Минглар шартномаси» деган шир остида мусобақа тобора кенг аяқ олмақда. Бу мусобақа В. И. Ленин номидаги Глухово ип газлама комбинати коллективининг ташаббуси билан бошланган эди.

Социалистик мусобақанинг ана шу янги формаси қардош иттифодош республикаларнинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва экинчилари ўртасидаги иттифоқни янада мустақамлаштириш муҳим воситасидир ва меҳнаткашларини интернационал руҳда тарбиялаш, совет халқларининг СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун, коммунистик қурилишнинг КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан узувдор программасини амалга ошириш учун биргаликда олиб бораётган курашда уларнинг дўстлиги ва қардошлигини мустақамлаш каби олимлаб шунинг хизмат қилади.

Шу мусобақа мусобақати билан «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Халқининг Ўзбекистони», «Ленин Байроғи» газеталари кенг кўламда таш-

килотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Улар «Советская Россия» (КПСС Марказий Комитетининг газетаси), «Раднесска Украина» (Украина Компартияси Марказий Комитети, Украина ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи) ва «Звезда» (Белоруссия Компартияси Марказий Комитети, Белоруссия ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи) газеталари билан биргаликда «Минглар шартномаси»га қўйилган шир остида ўз ишларини қиянтиб юбордилар.

Мирзачўл деҳқонлари, Андижон область Бўа районидан «Партия XX съезди» колхозини, Фаргона область Ўзбекистон районидан Фафур Гулом номи колхоз, Самарқанд область Оқдари районидан «Даҳаб» совхозини, Москва, Ленинск, 2-Қўқон, Яқубов, Гулбоғ пахта заводларининг коллективлари, «Союзхлопкомаш» бирлашмасининг ходимлари, пахта тозалаш давлат маҳсуе конструкторлик бюросининг конструкторлари ва бошқалар мусобақага биринчи бўлиб қўшилдилар. Меҳнат коллективлари бу мусобақада бутун куч ва илодий гайратларини КПСС XXIV съездининг ҳақ исстеъом қилганини толарларин ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сифатини кескин суратда яхшилаш, социалистик ишлаб чиқариш самардорлигини бутун қоралар билан оширишга сафарбар қилиш, ни ўз олдларига вазифа қилиб қўйдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Минглар шартномаси» тўғрисида беш йиллик тошқирларини муваффақиятли бажариш ва Совет Социалистик Республикаларини Иттифоди ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашда республика меҳнаткашларининг меҳнат гайратини ва иссий активлигини бутун қоралар билан кучайтириш соҳасида гоат муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистон Касаба Союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитети, республика министрликлари ва идоралари «Минглар шартномаси» мусобақасини қўллаб-қувватлашлари ва саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ташкилотлари коллективлари ўртасида бу мусобақани кенг аяқ олдиришлари лозим. Республика, область, шаҳар ва район газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радио эштитириш давлат комитетига «Минглар шартномаси» мусобақасини кенг пропаганда қилиш ва ана шу мусобақа қатнашчилари ўзларининг социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини мунтазам суратда ёритиб туриш топширилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА ОЗУҚА МЎЛ-КЎЛЛИГИ УЧУН

Область партия комитети бюроси Янгйўл районидан «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми коллективининг Кабардин-Болгар АССР йўхорикорлари ташаббусига қўйилган 1972 йилда дон ва бошқа хил озуқабон экинлардан мўл ҳосил этиштириш юзасидан белгиланган тадбирларини маъқулади.

Область партия комитети бюроси район партия комитетлари, район иккунчи комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошлангич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари эммасига «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ҳар

бир колхоз ва совхозда 1972 йилда дон ва бошқа хил озуқабон экинлардан мўл ҳосил олиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини юқлади.

Область ва район газеталари редакцияларига озуқа экинларини парвариш қилиш ва тайёрлаш юзасидан хўжаликларда зиммага олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини мунтазам равишда ёритиб бориш вазифаси топширилди.

(«Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми коллективининг тадбирлари газетанинг 3-бетига босилди).

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Юқори Чирчиқ район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари район партия комитетининг биринчи секретари И. И. Ладущкиннинг Юқори Чирчиқ район партия комитетининг район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан олди бораётган ишлари тўғрисида «Ўзбекистон КП Тошкент область комитети бюроси қарорини бажаришнинг бориши ҳақида»ги докладини эшитдилар ва муҳокама қилдилар.

Пленумда шунингдек, район партия комитети секретари Н. С. Сулейтоновнинг КПСС XXIV съезди қарорлари асосида кадрларни ташлаш, жойлантириш ва тарбиялашнинг аҳволи ҳақидаги райкомнинг бешинчи пленуми қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида ахборотини эшитдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонев сўзлади.

Коммунистлар! КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун бошланган умумхалқ курашининг авангардида борингиз, омманинг актив ташкилотчилари ва тарбиячилари бўлингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Ҳақиринларидан).

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ АНВАР САДАТ МОСКВАГА КЕЛДИ

Миср Араб Республикасининг президенти ва Араб Социалистик Иттифоқининг райси Анвар Садад 27 апрелда визит билан Москвага келди.

Миср Араб Республикаси ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромда президент Анвар Садад ва унинг ҳамроҳларини А. Н. Косигин, М. А. Суслов ўртоқлар ва бошқа расий кишилар кутиб олишди.

СОВЕТ — МИСР МУЗОКАРАЛАРИ

28 апрелда Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Райси

А. Н. Косигин билан Миср Араб Республикасининг Президенти, Араб социалистик иттифодининг райси Анвар Садад ўртасида музокаралар бошланди. (ТАСС).

ПАРТИЯ МАОРИФИ СИСТЕМАСИДА КПСС МАРКАЗИИ КОМИТЕТИНИНГ «СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50
ИЛЛИГИГА ТАБЕРГАРЛИК ТУҒРИСИДА» ҚАРОРИДАН ФОИДАЛАНИШ ЮЗАСИДАН МЕТОДИК МАСЛАХАТЛАР

ДИДАТИ

нинг муносиб ҳиссасини қўймоқ-
да.

Яқинда Тошкент Кишлоқ ҳўжа-
ли институтининг илмий совети
кемашида совет. директори А.
Урмонов «Ўзбекистон шароитида
бройлер — курчаларининг пар-
вариши қилиш техникалогияси би-
лан махсусдорлигининг ошириш»
деган темада наандатлине диссер-
тациясини ёнлади.

Илмий советда сузга чиққан А.
Имомалиев, Е. Ершов, Ш. Амал-
хонов ва бошқа олимлар диссер-
тацияга юқори баҳо беришди.
Илмий совет А. Урмоновга қиш-
лоқ ҳўжалик фанлари наандатли
илмий даражасини беришга на-
рор қилди.

М. ҒОЗИЕВ.

М. ҒОЗИЕВ.



„ТОҒ ГЎЗАЛИ“

Хозир театринг иккундй коллективи якилашиб келайган юбилейга багйшланган янгй постановка тайёрламоқда. Бу — ажойиб ўзбек ёзувчиси Фафур Гуломнинг «Шум бола» асаридир.
(ЎзТАГ).



Биргина марказий насалхона-
ни ояб кўрайлик. Ойбон муд-
ри этиб Эркиной Рўстамова та-
инилганда эди. Бу аёл ҳам илға-
риги Эргашеванин иштини
даволат эттириб беморларга берди.

маган озиқ-овқатларни берилди
деб расмийлаштириб сув яқилиб
келган. Масалан яқинда бўлган

РАССОМ

ХАНДАСИ



ншчнся.




РИНГДА АРМИЯЧИ
ВОКСЧИЛАР

лар ўз уйларида Парагвай командаси устидан 3:2 ҳисобида голиб чиқдилар.

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй)да танишиш мумкин.

«Юбилей» спорт зали нассаларида кундуз соат 2 дан сотилади

ТЕАТР ЭКРАНЛАРИ



1/У да НОМЗОДЛАР (кундуз соат 12 ва 4 да).
2/У да БИРИНЧИ БУСА (кундуз соат 12 ва 4 да).
4/У да БАҲС (кеч соат 7 яримда).
5/У да ДИИДОР (кеч соат 7 яримда).
Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявқалар қабул қилинади,
Справқалар учун телефон: 447081.

Юлия Степановна
СТЕПАНЕНКОНИНГ
зафот этганылыгыны чукур най.
гу булан билдирдилер ва
мархуманын опасна чукур
тагыя ихпор килаллар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р-02408 ИНДЕКС 64697, Б. 1740.